

ТЎҚИМАЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТ ВА ВАЗИФАЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тўқимачилик соҳасида экспорт имкониятлари ва захираларни ишга солиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.



Тўқимачилик мамлакатимиз иқтисодиёти ҳажмининг 3 фоизини, саноатнинг 14 фоизини яратаётган йирик тармоқдир. Бу йўналишда 500 мингдан ортиқ одам иш билан банд. Сўнгги беш йилда 3,5 миллиард долларлик 396 та корхона ишга тушди. Ишлаб чиқариш ҳажми 10 миллиард долларга етди.

Лекин дунё бозоридаги ўзгарувчан вазият, талаб ва нарх пасайиши соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича тезкор чоралар кўришни тақозо этмоқда.

Сўнгги уч йилда жаҳонда пахта нархи тоннасига ўртача 3 минг доллардан 1,5 минг долларга тушди. Бунга мослашиш учун 2022-2023 йиллар учун пахта хомашёсига берилган имтиёзли кредит 3 марта узайтирилди, ўтган йили ҳар бир тоннага 1 миллион сўмдан субсидия берилди.

Қўллаб-тўқимачилик корхоналарининг тижорат кредитидан қарздорлиги мавжуд. Атиги 16 фоиз корхона халқаро сертификатга эга. Оқибатда уларнинг ташки бозорда рақобат қилиши қийин кечмоқда.

Ўзбекистонга нисбатан “пахта бойкоти” бекор қилинганига анча бўлди. Шунингдек, мамлакатимиз Европага божсиз экспорт қилиш имконини берувчи “GSP+” имтиёзлар тизимига қўшилган. Лекин брендлар билан ҳамкорлик ва экспорт миқёси бунга яраша эмас.

Соҳадаги шу каби муаммоларни ўрганиш учун, Президент тошйирғига қўра, 200 дан ортиқ тадбиркорлар билан мулоқот қилинди. Йиғилишда уларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, янги имконият ва вазифалар белгиланди.

Аввало, молиявий соғломлаштириш ва таннарни камайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

Бу йил кластерларнинг 2022-2023 йиллар ҳосили учун берилган кредит бўйича 1 август ҳолатига юзага келган 377 миллиард сўмлик пенядан воз кечилади. Тижорат кредитдан мажбурияти бўлган 144 та корхонани молиявий соғломлаштиришга қўмаклашिलाди.

Бу йилги пахта ҳосилини ўз вақтида териб олиш учун фермерларга тоннасига 1 миллион сўмдан субсидия берилади. Корхоналар ўз маблағи ҳисобидан пахта етиштирса ёки хариб қилса, хомашё қийматининг 10 фоизи қоплаб берилади.

(Давоми 2-саҳифада)

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Ҳамза ЭРГАШЕВ: БАЛИҚНИНГ ТОШ БОСТАНИ МАЗАЛИ БЎЛАДИ

КУНЧИҚАР ЮРТ ОЛИМЛАРИНИНГ ЯНГИ КАШФИЁТИ

ЯПОНИЯНИНГ НАГОЯ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТИББЫЙ МАКТАБИ ОЛИМЛАРИ ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИГА ҚЎРА МАЙДА БАЛИҚЛАРНИ ОВҚАТГА БУТУНИЧА СОЛИБ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ИНСОН УМРИНИ УЗАЙТИРАР ЭКАН. БУ ИЛМИЙ ХУЛОСАЛАР “ПАБЛИК ХЭЛФС НАТРИШН” (“PUBLIC HEALTH NUTRITION”) ЖУРНАЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ. ОЛИМЛАР ГУРУҲИ МАЙДА БАЛИҚ ИСТЕЪМОЛИ ВА ЎЛИМ ЭХТИМОЛИ (РИСК) ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИКНИ ЎРГАНИШДИ. “ЭХ, БЎЛМАГАН ГАП”, ДЕЙИШГА ОШИҚМАНГ.

Тадқиқотда 35 дан 69 ёшгача бўлган 80 802 нафар иштирокчи (34 555 нафар эркак ва 46 247 нафар аёл) қатнашган. Қойдага қўра балиқ бутунича, яъни кальций ва А витамин каби микроэлементларга бой бўлган боши, суяги, ички аъзолари билан бирга истеъмол қилинган. Илмий натижаларнинг ҳайратланарли

жиҳати шундаки, майда балиқларни тановул қилган иштирокчилар орасида рақ билан боғлиқ ўлимлар сезиларли миқдорда камайган. Бу мисолимиздан денгиз маҳсулотлари истеъмолига меҳр қўйган японларнинг дунё бўйича бежизга энг узок умр кўрувчилар қаторида эмаслиги кундай аён бўлади. Аслидаям, мута-

Замонамиз қаҳрамонлари



хассисларнинг фикрича, балиқ гўштининг биологик қиймати халқимиз мунтазам истеъмол қиладиган мол ва қўй гўштидан банд туради. Оқсил, витамин, темир, йод, магний, фосфор бўлган балиқ гўшти одамни семиртирмайди, организм учун зарур қувватни бера олади.

(Давоми 3-саҳифада)

ВАКЦИНА – ҲАЁТ КАФОЛАТИ



Давлат дастурининг энг асосий мақсади аҳолининг саломатлиги бўлиб, болаларнинг хавфсизлиги энг муҳим масала ҳисобланади. Шу сабабли эмлаш дастурида ишлатиладиган барча вакциналар энг юқори сифат стандартларига жавоб беради. Ҳар бир вакцина маҳсулотлардан ўтказилган, сертификатланган ва халқаро тиббий меъёрларга тўла мос келади.

Уларнинг сақланиши ҳам қатъий назорат остида бўлиб, ҳар бир доза максимал ишончлилик билан тақдим этилади. Эмлашнинг самарадорлиги ва хавфсизлиги биз учун энг катта устуворликдир.

Бепул эмлаш дастури орқали аҳоли учун тақдим этилаётган вакциналар аслида юқори нархларда сотувда мавжуд бўлган маҳсулотлардир. Бирок

давлатимизнинг бепул эмлаш дастури орқали аҳолига ҳеч қандай қўшимча харажатларсиз юқори сифатли ва синовдан ўтган вакциналар тақдим этилмоқда. Бу эса давлатнинг аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва соғлом жамиятни куриш йўлидаги муҳим қадамларидан бири, албатта.

(Давоми 2-саҳифада)

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

НУРОНИЙНИНГ ҲАР БИР СЎЗИ – ҲАЁТ МАКТАБИ

ИНСОН УМРИДА АҚЛ ЙЎЛБОШЧИ, ТАЖРИБА ҲАЁТИЙ УСТОЗ БЎЛСА, МАЪНАВИЯТ ЭСА БУТУН УМРГА МАЗМУН ВА ЙЎНАЛИШ БЕРУВЧИ МУҚАДДАС УСТУНДИР. БУ УЛУҒ НЕЪМАТЛАР ИЧИДА МАЪНАВИЯТНИНГ ЎРНИ БЕКЎС. ЧУНКИ У ИНСОН ҚАЛБИГА НУР, ЖАМИЯТ ҲАЁТИГА ЭСА БАРҚАРОРЛИК ВА ЎЙГУНЛИК БАҒИШЛАЙДИ. УШБУ НЕЪМАТЛАРНИНГ БАРЧАСИ НУР ТАРАТУВЧИ КЕКСАЛАР – НУРОНИЙЛАР ҚАЛБИДА МУЖАССАМ. ШУ БОИС ХАЛҚИМИЗДА АЗАЛДАН “КЕКСА – УЙНИНГ ФАЙЗИ, ЭЛИНИНГ КЎЗИ, ҲАЁТНИНГ ОИНАСИ” ДЕГАН ҲИҚМАТЛИ ИБОРАЛАР БЕЖИЗГА АЙТИЛМАГАН. НУРОНИЙ ОҒЗИДАН ЧИҚҚАН ҲАР БИР СЎЗ НАФАҚАТ САМИМИЙ НАСИҲАТ, БАЛКИ ҲАЁТ ЙЎЛИНИ ЁРИТУВЧИ МАЪНАВИЙ ЧИРОҚ, МАЪРИФАТ МАНБАИ, ЭЛДОШЛИК ВА ИНСОНПАВАРЛИК ТИМОСЛИДИР.

Уларнинг сўзлари авлодлар орасида маънавий кўприк қуриб, ёшлар қалбида ҳаётний сабоқ ва умрбоқий қадриятларни мустаҳкамлайди. Нуроний сўзларида асрлар синовидан ўтган ҳақиқат, халқнинг маънавий мероси, Ватан фарзандларини эзгу фазилатларга чорловчи муқаддас руҳ яшайди. Шунинг учун кекса авлод вакилларига ҳурмат ўз келажагимизга, ўз юртимизга, ўзликка ҳурмат билан қараш демакдир.

Бугунги кунда ёш авлод тарбияси жамиятнинг келажагини белгилайдиган энг муҳим вазифалардан биридир. Баркамол, маънан соғлом, ақл-заковатли ва жамият ҳаётида фаол иштирок этадиган ёшларни вояга етказиш – ҳар бир давлат ва халқнинг стратегик мақсади ҳисобланади. Бу йўлда оила, таълим

муассасалари, устозлар ва кенг жамоатчилик бирдек масъулиятга эга. Шу билан бирга, нуронийлар – кекса авлод вакилларининг ўрни беқўс. Улар ўз ҳаёти давомида тўплаган тажрибалари, ҳаётний хулосалари, юксак маънавий қарашлари ва миллий қадриятларга садоқати билан ёшлар учун ҳақиқий ибрат мактабидир. Нуронийлар нафақат ўз оиласида, балки маҳалла, таълим муассасалари ва жамоат майдонида ҳам маънавий тарбия жараёнида фаол иштирок этади. Улар сўзлари билан қалбга нур сочади, амалий ишлари билан эса миллий бирлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлайди.

Нуронийлар миллатнинг хотираси ва маънавий устунидир. Улар ўтган умр йўлларида юртга хизмат қилиш, эзгулик ва ҳалолликка интилиш,

адолат ва инсоф билан яшаш каби ҳаётний тамойилларни синаб қўрган ва авлодларга етказётган фидойи инсонлардир. Айниқса, маҳалла тизимида фаолият юритаётган нуронийлар ўз маслаҳатлари, тинчликпарварлик руҳи ва одоб-ахлоққа оид насиҳатлари билан жамиятда маънавий соғлом муҳитни шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Улар ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, меҳнатга садоқат, дўстлик ва бағрикентлик туйғуларини қучайтиради. Шу боис, нуронийларга муносиб эҳтиром кўрсатиш – бу нафақат уларнинг бутун умр давомида

қилган фидокорона меҳнатини қадрлаш, балки жамиятнинг маънавий барқарорлиги ва келажақ авлод тарбияси учун хизмат қиладиган улғувор ва долзарб ишдир. Чунки нуронийлар қалбида асрлар синовидан ўтган ҳаётний ҳақиқатлар, миллий ғоя ва қадриятлар муҳассам бўлиб, улар ёшлар учун ҳаёт йўлида йўлбошчи, маънавий қўлланма вазифасини ўтайди. Нуронийнинг самимий дуоси, ҳаётний хулосаси, ўтмиш тажрибасидан келиб чиққан маслаҳати – қўнчинча мингта китобда ёзилган назарий билимдан ҳам таъсирироқ ва ҳаётийроқ бўлади.

(Давоми 2-саҳифада)

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Насос станцияларида...

БУГУНГИ КУНДА НОРИН-СИРДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ ВА ЭНЕРГЕТИКА БОШҚАРМАСИ ТАСАРРУФИДА 204 ДОНА ДАВЛАТ НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ МАВЖУД БЎЛИБ, УЛАР ОРҚАЛИ 83 МИНГ ГЕКТАРДАН ОРТИҚ МАЙДОН ОБИҲАЁТ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА. МАЗКУР МАСЪУЛИЯТЛИ ЮМУШЛАРНИ БОШҚАРМАНИНГ 1853 НАФАР КИШИДАН ИБОРАТ ЖАМОАСИ МУВАФАҚИЯТЛИ УДДАЛАБ КЕЛМОҚДА.

Жумладан, Энергетика бўлими ҳодимлари томонидан олиб борилаётган уч йиллик иш жараёнлари билан танишадиган бўлсак, 2023 йилда 27,655 млн. кВт.с электр энергияси иқтисод қилинган бўлса, ўтган йили 109,048 млн. кВт.с иқтисод қилишга эришилди. Бу борада жорий йилдаги натижалар ҳам қувонарли – 1 июль ҳолатига 89,505 млн. кВт.с. Электр энергияси иқтисод қилинди.

Ўтган йил мобайнида Насос станциялари ва энергетика бошқармасига қарашли бир қатор насос станцияларига 22 донa ҳар хил қувватдаги электродвигател, 24 донa насос агрегати, 18 донa куёш батареяси, 15 донa кондензатор қурилмаси, 25 донa плавный пуск (частота ўзгартирувчи) қурилма олиб келиниб, шу энерготехжамкор қурилмаларнинг урнатилиши натижасида 2024 йил мобайнида 1,194 млн.кВт.соат электр энергияси иқтисод қилинишига эришилди.

Жорий йил давомида ҳам бу борада дадил қадамлар ташлангани рақамларда кўринади. Йил охиригача 1,492 млн. кВт.соат электр энергияси иқтисод қилиниши кутилмоқда.

Жорий йилги таъмирлаш дастурига асосан, насос агрегатлари, суғориш ва мелiorатив қудуқлар таъмирланиб, вилоятдаги насос станцияларига боғлиқ ер майдонларида сув таъминоти яхшиланди. Бундан ташқари, насос станциялар бошқаруви автоматлаштирилиб, сувнинг ҳисобини юритиш бўйича шаффоф тизим жорий этилмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

Бинобарин, бугунги кунда ҳар бир маҳаллада фаолият юритаётган нуронийлар кенгаши бугунги кунда ёшлар билан муносабат мулоқотда бўлиши, уларнинг ҳаёт йўлида учрайдиган муаммоларини ўз вақтида аниқлаб, керакли маслаҳат ва амалий кўрсатмалар бериб бориши – замон талаби ҳисобланади. Ёшларнинг буш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни миллий ва маънавий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, маънавий имунитетини мустаҳкамлаш – нуронийлар олдида турган энг муҳим вазифалардандир. Шу тарзда улар ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, ҳалол меҳнатга садоқат ва бағрикентлик туйғуларини камол топтиради, бу эса бутун жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлайди.

Шу билан бирга, нуронийлар ёшларга фақатгина маслаҳатчи ёки ўтмиш хотираларини айтиб берувчи шахс эмас, балки уларнинг фикрига қўлоқ тутадиган, сўзини тинглайдиган, ҳаётний масалаларда йўл-йўриқ кўрсатадиган, маънавий камолот йўлида қадамлаш ва ҳамфикор шерик сифатида иштирок этиши зарур. Бугунги ёшлар ўзига тўғри йўл кўрсатадигангина эмас, балки уни чинакам тушунадиган, қалбига қўлоқ қўядиган инсонларга муҳтож. Шу боис нуронийларнинг қалбдан-қалбга мулоқоти, самимий ва ҳаётний суҳбатлари ёшлар тарбиясида ўта муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-саҳифада)

ТЎҚИМАЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТ ВА ВАЗИФАЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

(Боши 1-саҳифада)

Тўқимачилик занжиридаги барча корхоналарга ижтимоий солиқ ставкаси 1 физ қилиб белгиланади. Бунда ижтимоий реестр бўйича талаб бекор қилинади, умумий фаолиятда тўқимачилик улушига талаб эса 90 фоиздан 70 фоизга туширилади.

Ўз ҳодимларининг фарзандлари учун боғча ташкил қилган корхоналарга, худди хусусий боғчалардаги каби, ҳар бир тарбияланувчига субсидия ажратилади.

Ип-калаванинг таннархига электр энергияси қиймати ҳам таъсир қилапти. Шу боис энди корхоналарга ўз эҳтиёжи учун ўрнатилган қуёш панелларини тармоққа улашга рухсат берилди. Бундай имкониятлар фаолиятни ривожлантириш учун таянч бўлади. Ўзида толани қайта ишлаш қуввати йўқ кластерлар ип-йигирув корхоналари билан самарали кооперация тизимини йўлга қўйиши зарур. Акс ҳолда, кейинги йилдан уларнинг кластер мақоми бекор қилинади ва пахта ҳосили учун имтиёзли кредит берилмайди.

Хўкуматга бундай кластерлар учун жозибдор молиявий чоралар жорий қилиш топширилди. Йиғилишда ишлаб чиқариш ва экспортни ошириш масалалари ҳам атрофлича таҳлил қилинди.

Юртимизда тайёрланаётган ип-калава ва матонинг нархи рақобатчиларга нисбатан ўртача 10-15 фоиз юқори, чунки махсулотларимиз таркибининг 90 фоизи пахта. Дунда эса сунъий тола ва аралаш мато кўп ишлатилади.

Корхоналаримизни арзон хомашё билан таъминлаш мақсадида 2028 йил 1 январгача аралаш мато ва газламани божхона божидан озод этиш белгиланди.

Бир нечта бўёқ корхоналари бирлашиб, сув тозалаш иншоотини қурмокчи бўлса, харажатининг бир қисми Савдони ривожлантириш компаниясидан қоплаб берилди.

Экспортчи корхоналарга туманларда филиал очиш учун Савдони ривожлантириш компаниясидан беш йил муддатга 10 миллиард сўмгача Марказий банк асосий ставкасида кредит ажратилади. Хорижлик дизайнер, технолог, конструктор ва маркетингларнинг ойлик маоши қоплаб берилди. Фақат 200 та иш ўрни очиш ва муносиб иш ҳақи тўлаши шарт.

Дунё бозорларига чиқишда энг муҳим масала – сифат ва стандарт. Шу боис Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигига тўқимачилик корхоналарининг халқаро сертификат олишига қўмаклашиб, улар сонини 300 тага етказиш вазифаси қўйилди.

Европа ва АҚШ бозорига тайёр кийим-кечак экспортини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди. Хусусан, Америкада йилига қарийб 100 миллиард долларлик тўқимачилик бозори бор. Махсулотни талабга мослаштириш орқалигина унда ўрин эгаллаш мумкин. Шу мақсадда Нью-Йорк ва Сент-Луис шаҳарларида савдо уйлари очиш бўйича кўрсатма берилди.

Ташқи ишлар вазирлиги ва элчиларга йирик брендлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, уларни Тошкентда бўладиган йирик кўргазмага таклиф қилиш топширилди.

Корхоналар фаолиятида сунъий интеллектни қўллаш орқали даромадини 20-30 фоизга ошириш ҳамда яширин иқтисодиёт омилини камайтириш мумкинлиги қайд этилди. Бу борада тўқимачилик корхоналарида “ERP” тизимини жорий қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилади.

Йиғилишда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Жаҳонда савдо қоидалари тез ўзгараётган шароитда соҳа бошқарувида алоҳида ёндашувга зарурат туғилаётгани кўрсатиб ўтилди.

Шу боис Енгил sanoatни ривожлантириш агентлиги ташкил қилинадиган бўлди. У тўқимачилик, чарм ва ипаксаноат тармоқларига масъул бўлади.

Агентлик учун алоҳида жамғарма тузилиб, давлат қўмаги ва корхоналарга арзон айланма маблағ у орқали берилади. Жамғармага 200 миллион доллар ажратилади. Ташкилот ҳузурида тажрибали тадбиркорлардан иборат кенгаш ҳам тузилади.

Янги тузилмага мазкур кенгаш билан бирга таннарх, ишлаб чиқариш ва экспорт бўйича натижадорлиқни ошириш, кооперацияни кучайтириб, паст қувватда ишлаётган корхоналарни соғломлаштириш вазифаси қўйилди. Халқаро маслаҳатчиларни жалб этиб, тўқимачиликни 2030 йилгача ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, шунингдек, чарм, ипак ва гиламчилик саноатини кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Бош вазирга белгиланган вазифалар ижроси устидан қатъий назорат ўрнатиш топширилди.

Йиғилишда соҳадagi намунали тажрибалар кўриб чиқилди, тармоқ раҳбарлари ва тадбиркорларнинг фикрлари тингланди.

ЎЗА

Эълон

Салихов Сарвар Аскарлович номига 2020 йил 29 июнда 22-05/1762 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

(Боши 1-саҳифада)

Нуронийлар жамиятимизнинг маънавий пойдевори, миллий қадриятларимиз ва асрлар давомида шаклланган анъаналаримизнинг соф тарғиботчилари сифатида ёшлар ҳаётида бекиёс ўрин тутди. Уларнинг теран тафаккури, ҳаётий тажрибаси, фахрий мақоми ва юртга хизмат йўлида орттирган обрўси маҳаллада соғлом маънавий муҳитни шакллантиришда қудратли манба ҳисобланади. Шунинг учун “маънавий посбон” бўлган нуронийларимизнинг ҳар бир сўзига, ҳар бир панд-насихатига юракдан қулоқ тутиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш – бутунги кунда ҳар бир фуқаронинг инсоний ва фуқаролик бурчидир. Бу бурчни адо этиш эса ёшларимизни маънан соғлом, ҳаётга масъулият билан ёндашадиган ва юртини севувчи авлод сифатида вояга етказишнинг энг самарали йўлидир.

Миллатнинг маънавий қуввати ва ҳаётий заковати аввало унинг кескалари – нуронийлари орқали намоён бўлади. Улар асрлар давомида тўплаган тажрибаси, сабр-қаноати ва теран тафаккури билан халқ хотирасини сақлайдиган, ёшлар учун эса ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қиладиган улуг инсонлардир.

Бутунги кунда мамлакатимизда нуронийларга бўлган эътибор ва ҳурмат янги босқичга кўтарилди. Президентимизнинг ташаббуси билан кескаларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг фаол ҳаётда иштирокини таъминлаш давлат сиёсати даражасида изчил йўлга қўйилди. Нуронийлар – миллатнинг маънавий қалқони, зиёли қарашлар оинаси ва эзгулик тарғиботчисидир.

Уларнинг борлиги, сўзи ва дуоси ҳар бир хонадонга фойз, ҳар бир маҳаллага тинчлик, бутун жамиятга барака олиб киради. Шунинг учун нуронийларга ҳурмат – бу нафақат ўтмишга миннатдорлик, балки келажакка бўлган садоқат ва масъулиятнинг ёрқин ифодасидир.

Буюк мутафаккир Абۇ Али Ибн Сино ўзининг машҳур “Ишорот ва Таъбиҳот” асарида таъкидлаганидек, инсон табиатан ижтимоий мавжудот бўлиб, шахсий эҳтиёжларини қондириш учун бошқалардан мутолақ ажралган ҳолда яшай олмайди. Унинг озуқа, маънавий озуқа, билим, меҳр-оқибат, ҳимоя ва турли турмуш шароитларига бўлган талаблари фақатгина инсониятнинг бошқа вакиллари билан ўзаро муносабатга киришгандагина рўёбга чиқади.



Ибн Сино фикрича, бу ўзаро алоқалар оддий эҳтиёж алмашинуви билан чекланиб қолмайди. Инсонлар бир-бирларининг турли муҳтожликларини бартараф этиш жараёнида маънавий ва моддий жиҳатдан боғланиб, бир-бирларига масъул ва ҳурматли муносабатда бўлишни ўрганадилар. Ана шундай ўзаро боғлиқлик ва алмашинув тизими барқарор яшаш ва ривожланиш учун муайян тартиб-қоидаларни талаб қилади. Шу тартиб-қоидалар эса инсонлар ўртасида келишув ва ўзаро келишилган қонунлар орқали ҳаётга татбиқ этилади. Бу жараёнда адолат тамойили асосий мезон сифатида намоён бўлади, чунки

(Боши 1-саҳифада)

Ёш болани касаликлардан тўлиқ химоялаш деярли имконсиз. Шу сабабли эмлаш энг самарали, хавфсиз ва қулай йўлдир. Бу бир марталик кичик чора, лекин узоқ муддатли химоя беради. Бола ўзини эркин тутди, ота-она эса хотиржам бўлади. Касалиқдан эмас, унинг асоратларидан асрайди. Айнан шунинг учун эмлаш ғамхўрлик рамзидир.

Бола чақалоқлик чоғиданоқ гепатит Б вирусига қарши эмланади. Бу эмлаш, балки сизга оддий туюлар? Аммо гепатит Б жуда хавфли ва ҳозирча давоси йўқ бўлган жиддий касалик. Гепатит Б вируси асосан қон орқали юқади. Катталарда бу кўпроқ игна, тиш даволаш ёки жарроҳлик асбоблари, ҳатто сартароҳоналардаги гигиена етишмовчилиги орқали тарқалиши мумкин. Аммо бу хавфлар болалар учун ҳам мавжуд: болалар ўйнаб, бир-бирининг жароҳатига тегиши мумкин. Йиқилиб қонаш, тирналиш пайтида бошқа бола ёки каттадан инфекция юқиши мумкин. Тиши чиққанда ёки оғиздаги яра орқали юқумли қон тегса, хавф туғилади.

Эътибор беринг, гепатит Б вируси ҳаводан эмас, фақат қон ва тана суюқлиги орқали юқади. Шу сабабли, ёш болалар ўзлари тушунмаган ҳолда инфекция юктириб олиши мумкин. Агар эмлаш бўлмаганида, гепатит Б жуда кўп ҳолатда аниқланиб, болалар жигар зарарланиши, сурункали оғриқлар, ҳатто келажакда жигар циррози ва саратони билан юзлашар эди. Шунинг учун чақалоқликдаги гепатит Б вакцинасини қадрланг! Бу фарзандингизни бутун умр химоя қилади.

Яна айрим касаликлар борки, улар узоқ вақтгача яширин кечадиган ва ота-оналар бу ҳолатни дарров сезолмайди. Ана шундай касаликлар

НУРОНИЙНИНГ ҲАР БИР СЎЗИ – ҲАЁТ МАКТАБИ



адолат бор ерда муносабатлар барқарор, жамият эса тинч ва фаровон бўлади.

Ҳар қандай давлат ва жамиятда эса инсонлар жамоасининг асосий таянчи оиладир. Оила эса ёлғиз ҳолда яшай олмайди, у жамиятнинг бошқа ижтимоий институтлари, хусусан, маҳалла билан чамбарчас боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатади. Маҳалла эса ўзбек ҳаётининг ажралмас қисми, халқимизнинг қадимий ижтимоий тизимидан ўрин олган, одамларни ўзаро аҳил яшашга, сидқидилдан меҳнат қилишга, касб-хунар ўрганишга ва соғлом фикрли бўлишга чорлайдиган бекиёс тарбия мактабидир. Бутунги кунда маҳалла жамиятнинг турли институтларини, айниқса, оила билан ёшларни боғлаб турувчи мустаҳкам кўприкка айланмоқда. Ёшлар оила ва мактабда олган сабоқлари, панд-насихатларининг ҳаётий ҳаққонийлигини кўпинча маҳалладаги амалий мулоқотлар, қизғин суҳбатлар ва турли тадбирлар жараёнида синаб кўради.

Шу мақсадда маҳалла институтининг маънавий-маърифий ишлар йўналишидаги фаолияти тобора такомиллаштирилмоқда. Бу эса нафақат ёшлар тарбияси, балки бутун жамиятнинг маънавий барқарорлиги ва бирдамлиги учун хизмат қилмоқда.

Биламизки, ҳар бир мамлакатнинг тараққиёти ёшларнинг роли бекиёс. Ёшлар – келажакнинг маъсулиятли ва мустақил шахслари бўлиш билан бирга, бутунги куннинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларида ҳам ҳал қилувчи куч ҳисобланади. Шу боис уларнинг ижтимоий химояси, сифатли таълим олиши, муносиб меҳнат шароитларига эга бўлиши, маънавий ривожланиши ва фаол фуқаролик позициясига эга бўлиши давлат сиёсатида устувор йўналиш ҳисобланади.

“Ёшлар сиёсати”нинг асосий мақсади – ёшларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, уларга тенг имкониятлар яратиш, жамият ҳаётида фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳаётий мақсадларининг рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратишдир.

Ёшлар сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири – таълим ва касбий тайёргарлик тизимини такомиллаштиришдир. Сўнгги уч йилда республикада 200 дан ортиқ янги касб-хунар марказлари ташкил этилди, 150 та коллеж ва техникумда ўқув дастурлари янгиланди, 70 мингдан зиёд ёшлар давлат грантлари асосида ўқиш имкониятига эга бўлди. Шу жараёнда туманимизда ҳам 1 та янги техникум иш бошлади, 500 дан зиёд

ёшлар замонавий йўналишларда таълим ола бошлади. Давлат бу йўналишда қатор дастурларни амалга ошириб, ёшларни даромад топиш, ижтимоий фаолиятда қатнашиш ва шахсий салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирмоқда.

Ёшлар учун ишсизлик муаммоси алоҳида эътибор талаб этади. 2024 йил якунига кўра республикаимизда меҳнат бозорига ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси 8,5 фоиз атрофида бўлиб, бу кўрсаткични 2030 йилгача 5 фоиздан паст даражага тушириш мақсад қилинган. Бу масалани ҳал қилиш мақсадида сўнгги икки йилда 500 мингдан зиёд ёш иш билан таъминланди, 120 мингдан ортиқ ёш стажировкалар ва амалиёт дастурларида иштирок этди, 40 минг ёш кўшимча таълим ва қайта тайёргарлик курсларида билим ва кўникмаларини оширди. Шу билан бирга, Нишон туманида ҳам 1,5 мингдан зиёд ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлди, 300 нафар ёш стажировка ва амалиёт дастурларига жалб этилди, 120 ёш кўшимча касб-хунар ўрганиш



имкониятига эга бўлди. Меҳнатга жалб қилиш ва тадбиркорликка чорлаш учун туманимизда 5 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратилди.

Ёшларнинг маънавий ва маданий ривожланиши жамиятнинг мустаҳкамлиги ва унинг ўзгаришларга бардошли бўлишида ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Шу боис ёшларда инсонпарварлик, ижтимоий фаоллик ва Ватанга садоқат туйғусини кучайтириш, уларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатида устувор йўналишлардан биридир. Ёшлар нафақат иқтисодий ва маънавий соҳаларда, балки сиёсий жараёнларда ҳам фаол иштирок этишлари зарур, чунки уларнинг фаоллиги жамиятнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди.

Президентимиз ташаббуслари билан сўнгги йилларда ёшларнинг ижтимоий ва сиёсий жараёнларда иштирокини ошириш мақсадида қатор ислохотлар амалга оширилди. Масалан, “Ёшлар парламенти” ва “Ёшлар етакчилари” лойиҳалари доирасида минглаб ёшлар маҳаллий ва миллий даражадаги қарор қабул қилиш жараёнларига жалб этилди. Президентимиз ёшлар билан доимий учрашувлар ўтказиб, уларнинг фикр ва таклифларини тўғридан-тўғри эшитишда, тақлиф этилган ғояларни давлат дастурларига интеграция қилишни йўлга қўйган. 2024 йилда 5 мингдан ортиқ ёшлар сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлар фаолиятида иштирок



этди, 1,2 минг нафар ёшлар сайлов жараёнларида қузатувчи ва волонтер сифатида қатнашди. Шу билан бирга, туманимизда 150 нафар ёш маҳаллий кенгаш ишида доимий иштирок этаётган бўлса, 40 нафар ёш турли партиялар таркибида ўз ташаббусларини илгари сурмоқда.

Ёшларимизнинг сиёсий фаолиятини ошириш учун уларга замонавий сиёсий таълим бериш, мамлакат ва дунёдаги сиёсий жараёнлар ҳақида тўлиқ ва ишончли ахборот тақдим этиш, уларнинг ўз фикри ва таклифларини эркин ифода этиш имкониятини яратиш Президентимиз томонидан қўллаб-қувватланаётган йўналишлардан биридир. Бу борада “Лидерлик мактаблари”, “Ёш дипломатлар клуби”, “Ёшлар форуми” каби лойиҳалар уларни сиёсий жараёнларга тайёрлашда самарали платформа бўлиб хизмат қилмоқда. Шу тариқа ёшлар сиёсатда ўз овозини эшиттира олади, сиёсий партиялар ва жамоатчилик майдонида фаол иштирок этади, мамлакатнинг муҳим масалалари юзасидан ўз қараш ва таклифларини илгари суради.

Ёшлар сиёсати – жамиятда ёшларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашга қаратилган, давлатнинг ёшлар билан боғлиқ устувор вазифаларини белгилайдиган стратегик йўналишдир. Бу сиёсатнинг асосий мақсади – ёшлар учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳаётга фаол, муносиб тарзда кириб боришларини таъминлашдир. Шу жараёнда нуронийлар ҳам ёшлар билан ишлангани маънавий-тарбиявий қанотини ташкил этади. Улар ҳаётий тажрибаси, теран ақли ва фахрий мақоми билан ёшлар сиёсатининг амалий натижаларини мустаҳкамлайди, давлат ва жамият орасида маънавий кўприк вазифасини бажаради.

Шунинг учун бу соҳадаги ташкилий ишлар ва давлат сиёсатининг самарадорлиги нафақат ёшлар учун, балки нуронийлар билан ёшлар ўртасида узвий мулоқот ва ҳамкорлик муҳитини яратишга ҳам хизмат қилади. Зеро, ёшлар ўз салоҳиятини тўла очиши, ҳаёт йўлида тўғри қарорлар қабул қилиши ва миллий қадриятларга садоқатли бўлиб улғайиши учун нуронийлардан олган ҳаётий сабоқ ва маънавий қувват бекиёс аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, нуронийлар ва ёшлар – жамиятнинг узвий тарқийб қисмлари бўлиб, бири тажриба ва ҳаётий заковатни, иккинчиси эса янги ғоя ва янгиланиш руҳини ифода этади. Бу икки авлод ўртасидаги улусксиз мулоқот, ҳамжihatлиги ва ҳамкорлик – мамлакатимизнинг маънавий барқарорлиги ва фаровон тараққиётининг кафолатидир. Ёшларга қаратилган давлат сиёсати ва нуронийлар маънавий йўл-йўриғи уйғунликда амалга оширилса, биз нафақат ёш авлодининг бахтли келажagini, балки бутун юртимизнинг барқарор ва ёруғ истиқболини таъминлай оламиз.

Ҳўжакал МАХСИМОВ,
“Нуроний” жамғармасининг
Нишон тумани бўлими раиси.

ВАКЦИНА – ҲАЁТ КАФОЛАТИ



кечирганлар, ўзларини соғлом ҳис қилган бўлса ҳам, атрофдаги инсонларга дифтерияни юктириши эҳтимолдан холи эмас.

Ушбу касалликни аниқлашда баъзида аломатлар сезилмаслиги мумкин, бу эса касалликни даволашда кечиктишларга олиб келади. Касалик кечиккан тақдирда, юрак, нафас йўллари ёки нерв тизимида жиддий асоратлар юзгага келиши мумкин.

Қизамиқ, қизилча, Пневмококк инфекцияси, тепки (паротит) ва кўкйўтал ҳам оддий касалликлар эмас, болаларнинг соғлиги ва ҳаёти учун хавфли инфекциялар. Бу касалликлар ҳаво орқали осон юқади, касал одам билан гаплашиш шарт эмас, шунчаки бир ҳудудда бўлишнинг ўзи етарли. Эмланмаган бола эса бу хавфга тўлиқ очиқ бўлади. Қизамиқ юқори иситма, тошмалар билан кечиб, асорат тарикасида ўпка ва мия яллиғланишига олиб келиши мумкин. Қизилча эса ҳомилдор аёллар учун айниқса,

хавфли бўлиб, туғилажак болада оғир нуқсонлар юзгага келишига сабаб бўлади. Тепки (паротит) оғиз безларининг шишиши, иситма ва оғриқ билан кечади, оғир ҳолларда бепуштликка олиб келиши мумкин. Кўкйўтал эса чақалоқлар ва кичик болаларда нафас бўғилиши, хушдан кетиш ва ҳатто ўлимга олиб келиши мумкин. Бу касалликлар аҳоли орасида учраб туради. Пневмококк инфекцияси эса ўпка, қулоқ ва мия яллиғланишларига олиб келиб, оғир асоратлар ва доимий ногиронликка сабаб бўлади.

Унутмаслик керакики, эмлаш орқали олди олинадиган касалликлар орасида айримлари жуда оғир кечадиган болалар ҳаёти ёки соғлиғига жиддий таҳдид солади. Полиомиелит, қоқшол (тетанус), папилома вируси (ХПВ), ротавирус ва хиб инфекцияси.

Полиомиелит асаб тизимини зарарлайди, бола ҳаракатсиз, доимий ногирон ҳолатга келиб қолиши мумкин. Вирус сув, ўйинчоқлар, ифлос қўл

орқали осон юқади. Қоқшол (тетанус) тупроқ, занглаган темир, кир асбоблар орқали очик яра ичидан қиради. Бола мушаклари қаттиқ тортилиб, нафас олиши қийинлашади. Папилома вируси келажакда аёлларда бачадон бўйни саратони хавфини оширади. Вирус жинсий йўл билан ва гигиена воситалари орқали юқади. Вақтида эмланмаган қиз болалар катта хавф остида қолади. ХИБ инфекцияси мия, ўпка, бўғим каби муҳим аъзоларга тушиб, жиддий яллиғланиш ва асоратлар келтириб чиқаради. Ҳатто пневмония, менингитга сабаб бўлади. Ротавирус инфекцияси эса оғир ич кетиш, қусиш, сувсизланишга олиб келади. Айниқса, 5 ёшгача бўлган болалар учун ўта хавфли. Вирус кир қўл, ифлос сув, ўйинчоқлар орқали юқади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, эмлаш инсонларни юқоридаги каби қатор хавфли юқумли касалликлардан химоя қилади. Ўз вақтида эмланмаган болалар тез-тез касал бўлиши, касаллик асоратидан доимий ногирон бўлиб қолиши ёки ҳаётдан қўз юмиши мумкин. Баъзи инфекциялар асоратлари бутун умрга ногиронликни ҳам олиб келади. Эмлов эса бунга йўл қўймайди, у соғлиқни сақлаш тизимидаги энг арзон, лекин энг самарали профилактик чорадир.

Вакциналар синовдан ўтган, ишончли ва шу кунгача дунё бўйлаб миллионлаб одамларни оғир юқумли касалликлар асоратидан асраб қолган. Эмланмаслик фақат ўзимизга эмас, балки атрофимиздаги инсонларга ҳам хавф туғдиради.

Исмоил МЕҲМОНОВ,
Санитария-эпидемиолог
осойишталик ва жамоат
саломатлиги қўмитасининг
Наманган вилояти бошқармаси
Иммунопрофилактика бўлими
врач-эпидемиолог.

Балиқ истеъмоли холестерин даражасини камайтиради, модда алмашинувини тезлаштиради, бу ўз-ўзидан юрак хасталикларини камайтиради

Ҳамза ЭРҒАШЕВ: БАЛИҚНИНГ ТОШ БОСТАНИ

МАЗАЛИ БЎЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Балиқ истеъмоли холестерин даражасини камайтиради, модда алмашинувини тезлаштиради, бу ўз-ўзидан юрак хасталикларини камайтиради, ўйқуни, қўриш қобилиятини яхшилайд, ревматоид артритни енгиллаштиради, эркакларда жинсий қувватни оширади, жигар учун фойдали ҳисобланади, дейишмоқда мутахассислар. Мақоламиз эса бу неъматни халқимиз дастурхонига қўяётган балиқчиларимиздан бири ҳақида.

БАЛИҚЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Аҳолини балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш хусусий мулкчиликка асосланган балиқчилик ҳўжаликлари, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш заруратини белгилайди. Бу ўз-ўзидан, сунъий ҳовузлар самарадорлигини ошириш, табиий сув ҳавзаларида балиқ етиштиришни кўпайтириш, уларга илмий асосланган хизмат кўрсатишни яхшилаш ва даромад миқдорини оширишни тақозо этади. “Ўзбекбаликсаноат” уюшмасининг тармоқларидаги маълумотиға кўра, бутунги кунда Ўзбекистонда 5775 та балиқчилик ҳўжалиги мавжуд. Улардан 5600 таси сунъий сув ҳавзаларида (63 минг гектар) ва 175 таси табиий сув ҳавзаларида (537 минг гектар) жойлашган экан.

Шундай ҳўжаликлардан бири Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги Қорадарёнинг бўйида жойлашган “Миржаҳон балиқлари” фермер ҳўжалигидир. Унга 2009 йилдан буён тажрибали мутахассис Ҳамза Эргашев раҳбарлик қилади. Шу сўлим худудда ўсиб-ўлғайган, меҳнат қилган Ҳамза бу ер сир-синоатию оқадиган сувининг таркибини яхши билади. Ҳавзаларни қабул қиларкан, аввало, ўзигача ишлаган ҳамкасбининг ёлчитиб даромад олмагани сабабларини ўрганди. Шу билан бирга Ўзбекистонда балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришға қаратилган қатор муҳим қарорлар қабул қилингани, соҳа вакиллари ҳар томонлама кўллаб-қувватлана бошлагани, масалан, ҳўжаликларға турли имтиёзлар берилгани, инновацион ва интенсв технологиялар жорий этилаётгани, энг асосийси, ўзининг қизиқиши сабаб бу ишға жазм этди.

ТАВАККАЛ ВА ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

Аслида жойнинг балиқчилик ҳўжалиги ташкил этиш учун белгиланган қатор омиларға эғалиги унга маълум. Биринчидан, бу ердаги ҳовузлар сувини тўлиқ чиқариш мумкин. Сатҳини бироз чуқурлаштирса қийоғ. Иккинчидан, ҳовуздаги сувни йил давомида алмаштириб туриш учун доимий сув манбаи бор – ёнгинасидан дарё оқиб ўтади ва зарурат тўғилганда ҳовузн харажатсиз тўлдириш имкони бор. Учинчидан, сувнинг сифати яхши. Фақат, сув оқиб кириши ва чиқиш жойларида ёввойи баликларнинг киришиға қарши тўрларни жойлаштириши керак. Бу жойларда балиқлар учун табиий бўлган қамиш ва бошқа сувўтлари суви. Шундайлигини билса-да, барибир ҳовуз суви гидрокимёсини лабоартгорияда таҳлил қилдириб, унинг сифатини аниқлади. Замонавий балиқчилик борасида маълумотларни ўрганди. Вьетнам балиқ экспорти бўйича дунёда учинчи ўринда тураркан. Улар йилиға 7 миллиард АҚШ долларлиқ балиқни хориж давлатлариға сотишаркан. Одатий усулда бир гектарлик ҳовуздан ўртача 15-20 центнер балиқ олинса, Вьетнам технологиясида бу кўрсаткични 150-200 центнерғача етказиш мумкин экан. Хитой технологиясида эса, гектарига 4-5 тоннағача балиқ етиштириш имконияти мавжудлиги маълум бўлди. Фақат балиқларға бериладиган озиклар борасида мусулмончиликка тўғри келавермайдиган баъзи жиҳатлари бор эканки, уларни мослаштириш учун ўзимиздаги табиий озукаларға алмаштиришни мутахассислар билан фикрлашиб, бир тўхтамға келиши керак.

НАТИЖА ҚИЁСДА БИЛИНАДИ

Иш бошлаган даврида фермерлик худуди майдони 8,5 гектар эди. Унда зогора (сазан), дўнгпешона (толстолоб), оқ амур (белий амур) балиқларини оқиб, гектаридан 3 тонна маҳсулот олди. Чавокларни Тошкентдан олиб келарди. Тўплаган тажрибаси натижасида бутунға келиб фаолият худуди кенгайди, иш миқёси ошди. Бошқача айтганда 8,5 гектар майдонға ўрмон ҳўжалигининг 30 гектар майдонидан шартнома асосида балиқ етиштириш қўшилиди. Чавоклар парвартириш синоатларини ўрганди. Илгари Тошкентдан келтириладиган зогора, дўнгпешона, оқ амур чавоклариди 4 гектарлик ҳовузларда ўзи етиштирмоқда. Уларни нафақат ўзига, балки бошқа балиқчиларға ҳам етказиб бермоқда. Одатда балиқ чавоклари вазни 50-200 граммғача бўлади. Ўзига 15-16 тоннаиси етади, 20 тоннасини эса сотувға чиқаради. Ҳозирға келиб гектаридан ўртача 7 тонна маҳсулот олмақда.

ЁШ БАЛИҚЧИЛАРГА ЙЎЛЛАНМАЛАР

Мақоладан энди иш бошлаганларға ҳам фойда бўлсин, дея Ҳ.Эргашевдан тўплаган тажрибалардан илинишини сўрадик. Бажонидил рози бўлди.

– Маҳсус тайёрланган хавзаға сув балиқ ўтказишдан 1-3 кун олдин маҳсус тўр (сетка) орқали қўйилади. Тўр ёввойи балиқлар кирмаслиги учун ишлатилади. Минерал ўғитлар, хусусан, аммофос гектарига ҳовузнинг шариотига қараб 1 мартдан 15 августғача 300 килодан 450 килоғача киритилиши керак. Икра очиб чиққач, улар кичкина маҳсус ҳовузчаларға ташланади. 20 кунлигидан 30 кунлиги-

гача бўлган вақтда катта ҳовузға ўтказилади. Бир гектар ҳовузға 90 минг дона солинади. Уларнинг 40 минг донаси зогора, 20 мингги оқ амур, 30 минг донаси дўнгпешона балиқчалардир. Балиқчалар кўчирилганда 1 граммдан 2 граммгача бўлади. Ҳовузларға бир ойлик майда балиқчалар ўтказилса, самарадорлиги анча юқори бўлади. Умуман, балиқ боқишни истаган ёшлар ўз ҳўжалиги бадавлат бўлишини истаса, личинкани бир ойлик балиқчаға қадар ўстиришни йўлга қўйгани маъқул. Бу бизнинг худудға хос тадбир. Лекин Ҳайдаркўл яқинидаги балиқчиларға буни маслаҳат бермаймиз. Негаки, Ҳайдаркўлда балиқхўр кушлар кўп. Улар товар, яъни катта балиқлар етиштирганлари маъқул.

Балиқнинг яшайдиган сув ҳарорати ҳақида олимларнинг тавсиялари бор, албатта. Улар



сувнинг энг оптимал ҳарорати 22-28 даража иссиқ бўлиши, 30-32° дан балинд бўлганда балиқларнинг ўсиши сусайишини таъкидлайдилар.

Кўп ҳаётий тажриба тўплаган балиқчимиздан Иштихон тумани худудида бу кўрсаттич қай даражада мос келиши ҳақида сўрадик.

– Балиқлар яшаши, ривожланиши ҳам одам танаси роҳатланадиган ҳароратни талаб қилади. Одам чидаган иссиқ ёки совуққа балиқ ҳам чидайди. Кузатишимча, ҳарорат 40 даражадан ошса, балиқ ривожланишиға зарар етади. Айрим ҳўжаликларнинг ҳовузлари бир метр чуқурликда бўлади. Бунда сув ҳарорати 30-32 даража иссиқдан ошгандан кейин балиқлар нобуд бўлиш ҳолати кўпаяди. Ўта иссиқ ҳарорат бўлганда балиқ ҳимояланиш учун сув тубига тушади. Одатда куёш нури 1,7 метрғача ҳароратини етказида. Шу боис ҳавзаларнинг 1,8 дан 2,5 метрғача чуқур бўлгани яхши. Бизнинг ҳовузларимиз эса 2 метр.

Бизда сазан, лаққа, дўнгпешона балиқ турлари боқилиши ҳақида гапирдик. Лекин лаққамиз четдан келтирилган балиқ эмас, маҳаллий тури ҳисобланади. Ўзига хослиги шундаки, бизники ўлакса емайди, балки тоза озуқани танлайди. Лаққа боқиладиган хавзаға асосан қарас каби балиқлар ташланади. Улар уруғ қўйиб тез кўпаяди ва лаққалар учун текин озукға айланади. Бироқ бундай муҳит сазан, оқ амур, дўнгпешона балиғига салбий таъсир қилади. Масалан, 1 гектар ҳовузға сув қуйилганда ёки бегона балиқларнинг кириши учун тўсиқ қўйилмаганда, умумий ҳосил кутилганидек 7 тоннагача бўлиши мумкин. Лекин бунда чувуғи ташланган балиқнинг вазни 0,5 дан 1,5 килоғача бўлади. Негаки 1 граммлик қарас балиғи 100-150 граммға етгунича, сазан эса 100 граммдан 4 кило бўлгунча бир хил оғирликдаги емни ейди. Бунда 4 килолик битта сазан ўрта ҳисобда 60 мингдан 240 минг сўм бўлади. У теңги ем еган бир дона 150 граммлик қараснинг нархи 2250 сўм. Ўшанда ҳам харидорини топса. Энди 240 минг сўм билан 2250 минг сўми қиёслаб кўринг. Шунинг учун сазан, оқ амур, дўнгпешона балиғидан фарқли ўлароқ лаққани бегона балиқларға қўшиб алоҳида боққан маълум.

Балиқдан бўшатилган ҳовузға ўз худудимиз ҳосилқларидан келиб чиқиб ишлов берамиз, кейинги мавсумға тайёрлаймиз. Ҳар бир ҳовузмизда турли хажмда. Улар майдони 10 сотихдан 3 гектарғача боради. Бир гектар жойға 3 мингта сазан чавоғини ташлаганмиз. Уч гектарға эса 10 минг чавок. Камроқ ташлаганда ҳам меҳр бериб парвартирласак, 25 тонна балиқ оламиз. Чавокларни март ойи давомида ташлаган маъқул. Об-ҳаво албатта рол ўйнайди. Масалан, балиқчиларимиз чавокларни одатда Тошкент вилоятидан келтиришади. Тасаввур қилинг, чавоклар 20 даражадаги сувдан олиниб, иссиқ машинаға жойланыпти. Тўрт-беш соатлик йўлда балиқчалар машина салони ичидаги, дейлик 25 градусда манзилға етиб келяпти ва яна 20 даражали сувға қўйиб юборилапти. Энди одамани шу ҳолға солиб кўрингчи, нима бўлади? Шамоллайди, албатта. Сув ҳароратидаги фарқ тўрт градусдан ошса, балиқ шамоллайди. Касал чавоқ тузалган

тақдирда ҳам унинг ривожланиши сусаяди ва натижаға салбий таъсир ўтказида. Шунинг учун чавокларнинг яшаб кетиши учун унинг адаптация жараёни муҳим ҳисобланади.

Балиқларимиз 1,5 килодан 4 килоғача юк қилади. Ёғи кам, сергўшт бўлади. Ёғсиз бўлиши балиқбоқарнинг берган озукасига боғлиқ. Ҳозир четдан озука тайёрлашнинг турли технологиялари кириб келмоқда. Улар орасида биологик озуклар ҳам мавжуд. Масалан, олма, узум каби мевалар пўчоқлари ёрдамида маҳсус чивин ва куртлар етиштирилади. Уларни балиқлар хуш кўриб ейди, лекин гўшт таъмиға, ундаги ёғ миқдорига ҳам таъсир қилади. Бундай балиқларни истеъмол қилганингизда дастлаб ачимтиқ ҳид сезасиз ва бир лўқма еганингиз биланоқ томоғингизға нимадир тикилгандек бўлади.

ҚАНДАЙ БАЛИҚ МАЗАЛИ БЎЛАДИ?

Ҳар кимнинг таъби ҳар хил. Кимдир зогора ёки оқ амур балиғини, кимдир лаққа ва ё дўнгпешонани хуш кўради. Ҳамза Эргашевнинг балиқлари Тошкентда “оптом” деб аталадиган нархлардан балинд туради. Шундай бўлса-да, балиқ сотиш мавсумида одамлар навбатда туришади. Нега дейсизми?

– Бизлар балиқларға мош, нўхат каби асосан дуккаклик ўсимликлар қайта ишловидан қолган, масалан, гуручининг оқшоқи қўшилган озука берамиз, – дея изохини бошлайди Ҳ.Эргашев. – Ерёғоқ, pista(семичка) берса бўлади. Ёғоқ ёки pistaдан ёғ ишлаб чиқардиган корхоналарнинг шротлари яхши озука ҳисобланади. Фақат улар кучли озука бўлгани учун балиқлар ўзини емайди. Шу боис, шротларни омухта ем таркибига киритамиз. Баъзи балиқбоқарлар дон маҳсулотларидан қолган кепак беришади, бунда балиқнинг ҳажми каттарса-да, тош босмайди, қолаверса, бу омил ҳам яна тўшт таъмиға, сифатига салбий таъсир қилади. Тош босгани эса мазали бўлади.

Шу боис Ҳ.Эргашев фермер ҳўжалигида етиштирган барча зогора балиғини “Космос балиқлари” деб номланган кафенинг Каттақўрғон, Иштихон, Пастдарғом туманларидаги бешта филиаллари сотиб олади. Бу ҳўжалик билан танишишдан аввал биз ҳам бир Каттақўрғондаги емакхонада зогора балиғини татиб кўриб, сабабини, соҳибини суриштирганмиз. Шу билан бирға кафега таширф буюрган балиқсевар мижозларни интервьюға чоғладик.

Ўзини Н.Намозова деб таништирган мижоз шундай дейди:

– Мен Тошкентда яшайман. У ердаги ҳар хил кафе, ресторнларда пиширилган балиқларни татиб кўрганман. Тошкентдан ота юртим Навоийға ўтишда албатта, шу кафенинг балиғидан еб кетаман, уйдагиларға ҳам олиб кетаман. Аслида, балиқни биладиган мутахассис эмасман, лекин бу ерда пиширилган балиқнинг мазаси мен билган кўп кафеларникидан фарқ қилишини ҳис қиламан. Балиқ аввало ёғсиз, жуда ширин. Дастлаб балиқни пиширадиган ошпазлар маҳорат деб ўйладим. Кейин билсам сифат асосан балиқ етиштирадиган фермер ҳўжалиги раҳбарининг тажрибаси билан боғлиқ экан.

Кўринишидан қозоқ биродарларимизға ўхшагани учун уларнинг столига яқинлашиб, фикр сўрадик. Ўзини Нурулан Оразбаев, деб таништирган давранинг ёши улуги бажонидил жавоб берди:

– Биз Қозоғистонданмиз. Каттақўрғондаги “Эргаш ота” шифохонасида даволаниб, энгил тортдик. Энди маълум вақт парҳез таом истеъмол қилиб туришимиз керак. Йўлга чиқиш олдидан бу емакхонаға уxo (балиқ шўрва) буюртма бергандик. О, бу таом мазасини юртға олиб кетамиз энди. Бунақа мазали ухони ҳеч қаерда емаганман. Қовурилгани мумкинмас-да бизға, биламан, униси ҳам мазали бўлса керак, – деди қозоқ тилида.

Ҳа, фермер бошқа балиқ турларининг ҳам хуштаъм бўлишини таъкидлади.

– Дўнгпешона балиғини эса Навоий вилоятидаги емакхоналар мутасаддилари навбатға



туриб олиб кетишади. У ҳам мазали, негаки бу балиққа ҳам ўз емини берамиз. Қайси маҳсулот бўлмасин ундек талқонға айлантриб, кейин берамиз. Бундай озукани лаққа яхши истеъмол қилади. Балиқни пиширганда эса мазали чиқади, – дейди Ҳамза Эргашев.

ОЗУҚА БЕРИШ МУДДАТИ БОРМИ?

– Озиқани совуқ сувға нисбатан илиқ сувда кўпроқ бериш тавсия этилади, деган фикрни кўп эшитганмиз. Нега шундай? Қанча фурсат оралиғида, неча марта озука берасиз? Оралиқ қанча вақтдан ошса балиқ ўсишиға салбий таъсир қилади?

– Балиқларни озиқлантиришни нафақат бир вегетация мавсумида, балки йиллар давомида доимий равишда яхшилаб боришни мутахассислар тавсия этишади. Бунинг учун ишчи журналини юритиш, ой ва йил бўйича таҳлил қилиб борилиши мақсадға мувофиқдир.

Одатда сув даражаси 10-12 даража иссиқдан ошса озука берамиз. Бу пайтда ҳаво 16-17 даража иссиқ бўлади. Иссиқлик маромига етганини балиқларнинг сув устида ҳаракатланиши сезиларли даражада ошганда билиш мумкин. Куннинг исиб бориши жараёнида бир дона балиққа бир кунда 10-15 грамм озука берамиз. Сувнинг ҳарорати 20 даражадан ошса, озука миқдори 20-30 граммгача кўпайтирилади. 25 даражагача эса 50 граммгача истеъмол қилади. Сувнинг ҳарорати 25 даражадан ошса, 60-65 граммгача озука ейди. Бу июль, август, сентябрь ойининг охиригача (об-ҳавоға қараб) тўғри келади. Сув ҳарорати паства тушган сайн озука ҳам камайтириб борилади. Озиқлантириш вақтида балиқларнинг фаоллиги кучайиб, овқатни яхши қабул қилаётган бўлса, унда балиқларингиз соғлом ва сиз ишни тўғри амалға ошираётган бўласиз.

Балиқларнинг тана оғирлигини аниқлаш ва озиқлантиришни тўғри амалға ошира бориш учун ҳар 15 кунда бир маротаба балиқларни назорат равишда овлаб, уларнинг тана оғирлигини аниқлаб борамиз. Ҳолатига қараб, яъни ориқ ёки семизлиғига қараб сарфланаётган озукаға қараб чора-тадбирлар белгилаймиз. Агар балиқ ориқ бўлса, емнинг протеинини кўтарамиз. Протеин бу емнинг қуввати ҳисобланади. Масалан, кепакнинг протеини 8, бутдой-арпаникини 11-12, маккажўҳори дони 14, дуккакли (нўхат, мош, ловия, ерёғоқ) донларники 22. Чигит еми - шротники 32-40 гача бўлади. Соя шроти 45-50. Тайёрланган ем оладиган бўлсангиз, ун комбинатларида маҳсулот протеинини ўлчайдиган аппаратлар мавжуд. Алданиб қолмаслик керак. Олинган маҳсулотингиз протеинини аниқлаганингиз маъқулроқ. Масалан, Самарқанд вилоятининг Жомбой ун комбинатида шундай ускуналар бор.

БАЪЗИ БАЛИҚЛАРДА НЕГА БАЛИҚЧ ҲИДИ КЕЛАДИ?

– Кўпгина касбдошларнинг бир хатоси бор, уни айтмасам бўлмас, – деди Ҳ.Эргашев ёшларға берган маслаҳатининг якунида. – Балиқ ови бошланганда одатда ҳовузға сув кириши ёпилади, чиқиш йўли очилиб сув камайтирилади. Бунда сув ярмидан пасайганда ҳавза тубидаги балччқ газ ишлаб чиқаради. Бу эса балиқнинг танасига жуда тез фурсатда сингиб қолади. Шу боис ишлаш давомида мисол учун 150 лик қувурдан сув киритсангиз, 200-250 лик қувурдан чиқариб қўйинг. Бу балччқ ишлаб чиқараётган газни ювиб чиқариб юборади. Натижада балиқ пиширилганда лойқа ҳиди бўлмайди.

МУСТАҲҚАМ ОИЛА – ИНСОН ТАЯНЧИ

Оила мустаҳқам бўлса, эркакнинг иши юришини ҳаёт кўн бора исботлаган. Ҳамза Эргашевнинг муваффақиятида оиласининг ўрни бор, албатта. Турмуш ўртоғи Хайринисо Эргашева унга ҳаммаслақ. Уй юмушлари, болалар тарбиясида бош-қош бўлди. Биргалашиб икки ўғил, икки қизни тарбиялаб, вояға етказишди. Фарзандларни машаққатли меҳнат орқасидан уйли-жоили қилишди. Набираларға боёбу моёмо бўлишди. Икки ўғил – Миржалол ва Миржаҳон отасининг ёнида. Улар ҳам халқ дастурхонига ҳалол лўқма армуғон этишда дуч келган тўсиқ ва қийинчиликларни енгиб ўтиб, балиқчилик соҳасида катта натижаларға эришган оталари тажрибасини пухта ўзлаштиришға ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳалим САИИД,

“Олтин қалам”

миллий мукофоти совриндори.

Насос станцияларида...

(Боши 1-саҳифада)

Давлат-хусусий шерикчилик лойиҳаси бўйича 2021-2025 йиллар давомида жами 75 дона насос станция давлат-хусусий шерикчилик асосида бошқарувға берилди. Ҳозирда ушбу насос станцияларға хусусий шериклар томонидан инвестиция киритилиб, муайян ишлар олиб борилмоқда.

– Бундан ташқари, насос станцияларини давлат-хусусий шерикчилик асосида чет эл инвестицияси ҳисобидан шерикчиликка берилиши ҳам режалаштирилмоқда, – дейди бошқарма бошлиғи Ҳабибулло Алибоев. – Масалан “МЕТГО” чет эл компаниясига 19 дона насос станцияларни шерикчилик асосида бериш учун лойиҳа ва ҳужжатлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Бошқарма жамоаси томонидан “Яшил макон” дастури доирасида ҳам қатор эътиборға молик ишлар олиб борилмоқда. Жорий йилнинг шу давригача насос станцияларида жами 123 минг 600 дона ҳар хил турдаги мевали ва манзарали кўчатлар экилиб, парваришланмоқда.

Бундан ташқари, насос станцияларида чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантиришға ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бутунги кунда 91 бош қорамол, 1025 бош қўй, 26 бош эчки, 613 дона қуён, 5183 дона товуқ, 4000 дона бедана, 650 дона роз ва ўрдақ ҳамда 490 дона курка парваришланиб, кўпайтирилмоқда.

Шунингдек, 2,8 гектар майдонда қўллар ташкил этилиб, балиқ чавоклари ташланган. Бу тармокни келгусида барча насос станцияларида ташкил этиш режалаштирилган.

Шунингдек, насос станцияларида иссиқ овқат ҳамда ёрдамчи ҳўжаликни ривожлантириш мақсадида жами 10,8 гектар майдонға ҳар хил турдаги сабзавот ва полиз экинлари экилган.

Маъмурий бинолар ва насос станциялар атрофларида лимонария ва иссиқхоналар ташкил этилган. Буларнинг барчаси ишларнинг самарали ташкил қилинишиға хизмат қилмоқда.

Ориф ЖУМАНОВ,

“Qishloq hayoti” мухбири.

ДАБДАБАБОЗЛИКНИ ТЎХТАТАЙЛИК!

БУГУНГИ КУНДА ЮРТИМИЗДА ТЎЙЛАР ВА БОШҚА МАРОСИМЛАРДА МЕЪРИДАН ОРТИҚ ДАБДАБА, ИСТОҒАРЧИЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИШ КАБИ ҲОЛАТЛАР ДААОМ ЭТАЁТГАНИ ОФИРЛИ МУАММОЛАРДАН БИРИ БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА. СЎНГИ ЙИЛЛАРДА ХАЛҚИМИЗНИНГ УЗОҚ ЙИЛЛИК ҚАДРИЯТЛАРИ ВА АНЪАНАЛАРИНИ ЎЗИДА АКС ЭТТИРГАН ТЎЙ ҲАШАМЛАР, ОИЛАВИЙ ТАДБИРЛАР, МАЪРАКА ВА МАРОСИМЛАРНИ ЎТҚАЗИШДА ШУҲРАТПАРАСТЛИК, ЎЗИНИ ЎЗИ КЎЗ-КЎЗ ҚИЛИШ, БОШҚАЛАРНИНГ ИҶТИМОИЙ АҲВОЛИНИ ИНОБАТТА ОЛМАСЛИК, ИСРОФГАРЧИЛИК, ХАЛҚИМИЗНИНГ ЙИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИ МЕНСИМАСЛИК КАБИ ЙИЛЛАТЛАРНИ ҲАЛИ ҲАМОН КУЗАТИБ ТУРИБМИЗ.

Кузатишларимиз орқали халқимизнинг ичида тўй ва маросимлар қилиш орқали айрим фуқароларимиз қарзларға ботиб, бу орқали соғлиғидан ва ишидан ҳам айрилимоқда ёки қарзларини узиш мақсадида ишлагани чет элларға чиқиб кетмоқда. Энг ачинарлиси, дунёда шухратпарастлик, дабдабаозлик, такабурлик, бир бирини менсимаслик каби иллатлар мусулмонлар ичида кенг тарқалмоқда. Шариятимиз ва Пайғамбаримиз Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрган оддий, қулай ва дабдасиз яшаш тарзига бошқа дин вакиллари амал қилиб яшашмоқда. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Дабдабаға ўта берилувчилар ҳалок бўлибди”, деганлар. Ҳабибимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари жуда оддий эди. Енгил, юмшоқ, уфлатсевар, қалбларға маъҳуб эдилар. Одамлар билан табиий муносабатда бўлардилар. Улар билан бирға ўтириб, еб ичардилар. Еб-ичишда, кийинишда ва уй жойда дабдабадан холи эдилар, ортиқча нарсалари йўқ эди. Чунки у зот бундай юзаки матоҳларға суяниб қолмагандилар. Бугунги кунда баъзи инсонлар жуда мураккаб яшашади. Шайхиятлардаги камчиликларни еб ичиш, кийиниш ва одамлар билан ўзгача ва сохта кўрinishида муомала қилиш каби юзаки нарсалар билан тўлдиришади.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир тоифа одамлар ҳақида шундай марҳамат қилганлар: умматимнинг энг ёмони неъматлар ичида тугилиб, у билан озиқланганларидир. Уларнинг ғами турли таом ва ичимликлардир ва улар балеандарвоғ гапирадилар, юзаки нарсалар билан машғул бўлиб қоладилар, моҳият ва мақсаддан узоқ бўлидилар.

Тарихқа ва бутунги атрофимизға назар соладиган бўлсак, катта-катта муваффақиятларға эришган инсонларнинг ҳаётта содда эканликларига гувоҳ бўламиз. Чунки улар майда-чуйда нарсаларға эътибор беришмайди. Балки, уларни нарсаларнинг моҳияти ва мазмунни қизиқтиради. Диққатларини ўзлари адо қилаётган вазифа ва амалларға қаратишади.

Ҳаётни қузатсак, мана шундай ҳулдгагиларнинг юксак марраларни забт этганини кўришимиз мумкин. Юртимизда яшаб ўтган олимларимиз, уламо-ю фойласуфларимиз қолдирган буюк илмий меросларига дунё ахли хайрон бўлиб, ундан фойдаланиб келмоқда. Биз бу буюк боболаримиз қолдирган илмлардан фахрланибгина қолмасдан, уларнинг ишларини давом эттиришимиз, Ватан, миллат тақдирига беварқ бўлмаслигимиз керак.

Аброржон ТУРҒУНОВ,

Норин туманидаги Ғойиб бува жомеъ масжиди имом хатиби.

Эълонлар

Шкута Людмила Дмитриевна номига 1992 йил 26 декабрда 03-02/1086 рақами билан берилган хонадонға эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Ганина Галина Ивановна номига 1993 йил 1 мартда 10-01/14468 рақами билан берилган хонадонға эғалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

“Хар қандай жамиятнинг ёши улуг одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди”

Интеллектуал мулк объектларига оид шартномаларнинг асл нусхаларини тақдим этиш талаби бекор қилинмоқда

КАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Истиклол йилларида ёши улуг инсонларни асраб-авайлаш, эъзозлаш ҳамда улуг аждодларни хотирлаш каби эзгу амалларга бел боғлашдек савобли юмуш дилимиздаги ёруғ ниятларнинг бирига айланиб улгурган. Шунингдек, сўнгги йилларда кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуг инсонлар, айниқса, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни ўзбек халқининг кўп асрлик қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида Президентимиз томонидан қатор давлат дастурларининг қабул қилиниши ва ушбу дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳужжатлар қабул қилиниши юртимизда нафақат халқимиз томонидан кексаларга қаратилаётган иззат-икром, балки мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган алоҳида эътибор эканлигининг исботидир.

Кексаларни эъзозлаш – улуг қадрият



Ёши улуг нуронийларимиздан бири Ҳамро бобо Назаров 1928 йилда Қашқадарё вилоятининг Кўкдала туманида таваллуд топган. У 1948 йилдан то 1990 йилгача Чироқчи туманидаги “Восход” совхозида чўпон, оддий ишчи ҳамда бригадир вазибаларида 40 йилдан ортиқ самарали ишлади. Ҳозирги кунда кексалик гаштини сураётган қаҳрамонимизнинг 3 нафар ўғли ва 1 нафар қизи олий маълумотли бўлиб, барчаси юртимиз равнақиға ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Нишон Назаров Муборак газни қайта ишлаш заводида, Бахтиёр Назаров хусусий тадбиркор ҳамда Алишер Назаров “Олтин китоб” нашриётида директор вазибасида хизмат фаолиятини олиб бораёпти. Ҳамро бобо ва Ирисой момонинг турмуш қурганига бу йил роппа-роса 70 йил тўлди. Шу муносабат билан Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги “Турон” тўйхонасида марварид тўйлари бўлиб ўтди.

Шодиёна кунда туман ҳокимлиги масъулла-ри, вилоят маҳаллалар уюшмаси раҳбарияти, нуроний жамғармасининг туман ва вилоят бўлими раҳбарлари, маҳалла фаоллари ҳамда яқин қариндош-уруғлари ва фарзандлари

иштирок этди. Тадбирда табрик учун сўзга чиққанлар, ўзбек халқининг миллий қадриятларини энг олий кўриниши кексаларимизга бўлган юксак ҳурмат ва эътиборнинг нақадар эзгу фазилатлиги, нуронийларимиз ҳар бир хонадонимизнинг фариштаси, дуоғўйи эканини фахр билан сўзладилар ва ўзларининг эсдалик совғаларини уларга туҳфа қилдилар. Ҳамро бобо ва Ирисой момога узоқ умр, тани сиҳатлик тилаб, дуоларини олдилар.

Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда, ҳар қандай жамиятнинг ёши улуг одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш изчил давом эттирилмоқда. Кексаларга бўлган

ғамхўрлик ва эътиборни кучайтириш, ёши улуг инсонларни давлат ва жамият томонидан ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга оид қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, уларда белгиланган вазибаларнинг бажарилиши натижасида кексаларимизнинг яшаш шароити яхшиланиб, саломатлиги мустаҳкамланмоқда. Шу боис бугун турли соҳаларда эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўътабар қарияларимизнинг унутилмас ва улкан хизмати борлигини, биз улар олдида умрбод қарздор эканимизни унутмаслигимиз, қўлимиздан келганича уларнинг оғирини енгил, умрини узоқ қилишни ўзимизнинг инсоний бурчимиз, деб билишимиз лозим.



Ватанимизнинг мусаффо осмонини асрашда, ҳар қандай офатларни остонамизга йўлатмаслик, она-юртимизни фашизм балосидан ҳимоя қилишда кекса авлод вакиллари-нинг қандай жасорат кўрсатгани, фронт ортида меҳнат қилиб, ғалабага муносиб ҳисса қўшгани, мамлакатимизни тиклаш, унинг ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий-маънавий салоҳиятини оширишда нуроний кексаларимиз намоён этган фидоийликини биз ҳамisha катта миннатдорлик билан эслаймиз.

Бугун факрийларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш, ҳар қайси кекса одамнинг юрагига етиб бориш, кўнглини кўтариш, шу билан бирга, уларнинг ҳаётини мазмунли қилиш йўлида олиб бораётган ишларимизни кучайтириш, самарасини ошириш зарур.

Халқимизнинг қадимий ва шонли тарихини узвий давом эттиришга, шу тарихнинг ўчмас саҳифаларини, аждодларимизнинг буюк меросини, қадрият ва урф-одатларини ёшларимизга етказиш, ҳаётимизни тобора поклаш ва файзу баракали қилишда, лўнда қилиб айтганда, уни маънавий юксалтиришда, бугун Яратганнинг бизга берган ҳар бир кунини маъноли ва сермазун ўтказишда бекиёс ҳисса қўшаётган ота-боболаримизга ҳар томонлама ҳурмат, эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздор. Зеро, кексаларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлиб, уларнинг олтин ўғитларига амал қилиб яшаш қомиллик, турмуш фаровонлигимиз ва тинч-осойишта ҳаётимизнинг тамал тошидир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, юртимизда ҳар бир кекса авлодга мурувватли бўлиш биз, ёш авлоднинг ҳам бурчимиз, ҳам зиммамизга юкланган вазибамиз эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Элбой ҚУЛМОНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Интеллектуал мулк соҳасидаги айрим давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий регламентлар тасдиқланди

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИГА ОИД ШАРТНОМАЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШНИНГ МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ, ИНТЕГРАЛ МИКРОСХЕМАЛАР ТОПОЛОГИЯЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШНИНГ МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ, ТОВАР КЕЛИБ ЧИҚҚАН ЖОЙ НОМИ ВА ТОВАР КЕЛИБ ЧИҚҚАН ЖОЙ НОМИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШНИНГ МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ ШУЛАР ЖУМЛАСИДАНДИР.



Ушбу маъмурий регламентлар билан интеллектуал мулк объектларига оид шартномалар бўйича аризалар ҳамда интеграл микросхемалар топологиялари ва товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказиш бўйича талабномалар топшириш қоидалари, уларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда муддатлари белгиланмоқда. Шунингдек, тегишли ҳужжатларни Адлия вазирлигининг im.adliya.uz махсус ахборот тизими ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда юбориш имконияти яратилмоқда. Бунда, ариза берилгандан кейинги босқичлардаги барча ҳаракатлар ҳам электрон шаклда амалга оширилиши назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, интеллектуал мулк объектларига оид шартномаларнинг асл нусхаларини тақдим этиш талаби ҳам бекор қилинмоқда. Бунинг натижасида, аҳоли учун республиканинг барча ҳудудларидан, жумладан, олис ҳудудлардан ҳам онлайн тарзда талабнома топшириш имконияти яратилади ҳамда ортиқча қоғозбозликка чек қўйилишига эришилади.

Д.ХОЛИЁРОВА,
Бойсун тумани ФХДБ бўлими
1-тоифали инспектори.

Қутлов

“ШАҲРИСАБЗ ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ” ДМ жамоаси

юртдошларимизни ақинлашиб келаётган

Мустақиллик байрами билан муборакбод этади ва барчага мустаҳкам соғлиқ, эзгу ишларида муваффақият тилайди.

Ватандошларимиз қалбидан шоду хуррамлик, хонадонларидан файзу барака аримасин!